



ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛИШТИРИШ

Қурбоналиев Ғолиб Алишер ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 2-ўқув курси
208-гуруҳ курсанти

Ниматов Шерзод Ниматжонович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, майор

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14945870>

ARTICLE INFO

Received: 17th February 2025

Accepted: 18th February 2025

Published: 28th February 2025

KEYWORDS

ABSTRACT

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жинойятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қўйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида бугунги кунда кўплаб ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Жамиятимизда мавжуд ўта ноёб, бетакрор ижтимоий бошқарув идораси бўлган, ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайдиган, юз йиллар давомида ривожланиб келаётган ва мустақиллик даврида тубдан янгиланиб, замон талаблари асосида такомиллашиб бораётган маҳалла тизими имкониятларини тўлиқ ишга солиш ва аҳоли фаоллигини ошириш жинойятларнинг олдини олишда, албатта, ўз самарасини беради, ана шу меросдан амалиётда моҳирлик билан фойдаланиш зарур¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Асосий вазифамиз-амиятимизни ислоҳ қилиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга қаратишдан иборат” номли маърузасида таъкидлаганидек, “бугунги кунгача ички ишлар ва ҳуқуқ тартибот органлари фаолиятини тартибга соладиган қонуннинг йўқлигини ҳам нормал ҳолат, деб бўлмайди. Шунинг учун мазкур органларнинг, биринчи навбатда, қонун устиворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги мақоми, фаолият шакли ва усуллари аниқлаштириш ҳамда уларга тузатишлар киритиш зарур” Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича комплекс чора-тадбирлар хусусан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, бу борада давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг

¹ Ниматов Ш. Н. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини мувофиқлаштириш фаолиятини такомиллаштириш //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 8-17.

ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.03.2017 йилдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

ПҚ-2833-сон қарорида мустақиллик йилларида республикада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ижобий натижаларга ҳамда криминоген вазиятни сезиларли даражада яхшилашга эришилганлиги, шу билан бирга, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи давлат органларининг иш шакли ва услублари, энг аввало ахборот-коммуникация технологияларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги сабабли ҳозирги кун талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги, давлат идоралари аксарият ҳолларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси сифатида баҳолаб, оқибатда ушбу фаолиятга лозим даражада эътибор қаратилмаётганлиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг аниқ манзилга йўналтирилмаганлиги ва уларга комплекс ёндашилмаётганлиги, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг тизимли равишда содир этилишига доир сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш самарадорлиги мавжуд эмаслиги кутилаётган натижаларни бермаётганлиги, ваколатли органларнинг етарли даражада ташаббус кўрсатмаётганлиги, лозим даражадаги идоралараро ҳамкорликнинг мавжуд эмаслиги, амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ўзаро номутаносиблиги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштиришни талаб этаётганлиги кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек мазкур қарор билан давлат органларининг, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ишлари қониқарсиз деб эътироф этилиб, ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини амалга ошириш давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари, бошқа давлат ташкилотлари, шунингдек хўжалик бошқаруви органларининг устувор вазифаси этиб белгиланган.

Бундан ташқари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизимини яратиш, қонун бузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш мақсадида ушбу соҳада қуйидагилар а) фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини, шу жумладан аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари фаолиятида фаол иштирок этиш, фуқаролар мурожаатлари ва муаммоларига беписанд муносабатда бўлиш ва бюрократик ҳолатларга йўл қўймаслик орқали таъминлаш; б) ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш чораларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш орқали ҳуқуқбузарликларнинг, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида олдини олиш ҳамда уларга чек қўйиш, шунингдек уларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил

² Ниматов Ш. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигининг ташкилий асослари // Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 22. – С. 43-52.

қилиш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш; в) идоралараро ҳамкорликни янада ривожлантириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан видеокузатув, электрон ҳисобга олиш ва ўзаро ахборот алмашиш, идоралараро маълумотлар базалари тизимларини профилактик ишларга кенг жорий этиш; г) жамоатчилик назоратини кучайтириш, ижтимоий ва давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан тўғридан-тўғри ҳамкорликни йўлга қўйиш; д) амалга оширилаётган профилактика чора-тадбирларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини, қонунийлик аҳволи ҳамда жинойтчилик даражаси ҳақидаги маълумотларни аҳолига етказиш масалаларида оммавий ахборот воситалари билан фаол ҳамкорлик қилиш, Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи имкониятларидан кенг фойдаланиш, содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва уларни бартараф этиш жараёни тўғрисида кенг жамоатчиликни тезкор хабардор қилиш;

е) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини, шу жумладан ҳуқуқбузарликлар динамикаси, уларни содир этиш такрорийлиги, ижтимоий фикр, профилактик ишлар натижасидан фуқароларнинг қониқиш ҳосил қилиши ва аҳоли билан ҳамкорлик даражасини инobatга оладиган баҳолашнинг аниқ мезонларини жорий этиш; ж) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича идоралараро дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда манзиллилик, соҳавий ихтисослашув, ҳудудий ва бошқа ўзига хос хусусиятлар инobatга олинишини таъминлаш; з) ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, биринчи навбатда аҳоли бандлигини таъминлаш, аёллар ва ёшларни ижтимоий-фойдали фаолиятга жалб этишни фаоллаштириш, вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш; и) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси муаммолари бўйича комплекс илмий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш, профилактик ишларни олиб боришнинг замонавий услубиётини жорий этиш; к) ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчилар ва ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган ёки содир этган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар тизимини ривожлантириш;

л) ҳуқуқбузарликлар профилактикасига фуқаролар ва жамоат ташкилотларини, шу жумладан уларни моддий ва бошқача тарзда рағбатлантириш орқали жалб этиш механизмларини такомиллаштириш йўналишлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясини, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари ҳузурида прокуратура, ички ишлар ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг тажрибали ходимларидан иборат доимий фаолият юритувчи идоралараро тезкор-тергов гуруҳларини ташкил этиш белгиланган.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.03.2021 йилдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жинойтчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон фармонида Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жинойтчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қўйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида Ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари этиб а) ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жинойтчиликнинг

сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш; б) ҳудудларда жиноятчилик аҳволдан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда ҳокимликлар, секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда «жиноят ўчоқлари»ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш; в) «республика — вилоят — туман — маҳалла» тизими асосида яхлит бошқарув ва узлуксиз назорат қилиш механизмларини жорий этиш, ички ишлар ва бошқа давлат органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириш орқали мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш белгилаш вазифаси белгиланганиб ³, мазкур йўналишда ишлар самарадорлигини ошириш учун ташкилий асослар ишлаб чиқиши кўрастиб ўтилган.

Ички ишлар органлари бошқарув субъектларининг жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашда самарали фаолият олиб боришлари эса ички ишлар органлари ахборот-таҳлил фаолиятини тўғри ташкил этишга, таҳлил фаолиятига оид вазифаларни аниқ белгилаб берилишига, ички ишлар органлари ахборот-таҳлил фаолиятини ташкил этишда ва ахборотларни йиғишда бошқа бўлинмалар ва жамоатчиликнинг ҳамкорлигини самарали таъминлашга ҳам боғлиқ жараён ҳисобланади.⁴

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 май кундаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371 сон қонунда Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар, уларнинг ваколатлари белгиланган. Мазкур қонунга кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларининг ишлаб чиқиши, тасдиқланиши ва амалга оширилишини таъминлаши, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг самарали ишлаб туришига қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиб, қабул қилиши, иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожланиш соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир тегишли чора-тадбирларни кўриши, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаши, қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши, мумкинлиги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиши, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиши, тасдиқлаши ва амалга ошириши аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилинишини таъминлашга, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни кўриши, тегишли ҳудудда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаши, қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкинлиги ваколат сифатида белгилаб берилган. Шунингдек ички ишлар органлари, прокуратура органлари, Давлат хавфсизлик хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, адлия

³ (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.01.2024 й., 06/24/10/0031-сон)

⁴ Ниматов Ш. Ички ишлар органларининг криминоген вазиятни таҳлил қилиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш: ўзига хос хусиятлари, ахборот-таҳлил фаолиятининг ўрни //Евразийский журнал технологий и инноваций. – 2023. – Т. 1. – №. 11. – С. 167-171.

органлари, давлат божхона хизмати органлари, давлат солиқ хизмати органлари, меҳнат органлари, таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизимида кирувчи субъектлар сифатида қайд этилган.

Жамиятда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари зиммасига юклатилган асосий ҳамда долзарб вазифалардан биридир. Мазкур вазифаларни амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар билан бир қаторда ички ишлар органларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишга ваколатли бўлган субъектлар ўз фаолияти жараёнида ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларини амалга оширишда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бошқа субъектлари билан бевосита ҳамкорлик қилади. Ҳамкорлик- иш фаолиятда бирга, ҳамкор бўлиш, айти бир мақсадни кўзлаб белигиланган ишда биргалашиш, уни тенг бажариш тушунилади. *Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ҳамкорлик* – ушбу фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг қонун ҳужжатларга асосланиб, ўзаро келишилган ҳолда фаолиятнинг шакл ва усуллари, хизмат ваколатларидан самарали фойдаланиши бўлиб, бунда икки ёки ундан ортиқ хизмат, яъни бошқарувнинг бир-бирига бўйсунмаган алоҳида иштирокчилари ўз ҳаракатларини ўзаро келишиб бажаришади. Яъни, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ҳамкорлигини шартли равишда *ички идоравий ҳамкорлик* ва *ташқи ҳамкорлик* турларига ажратишимиз мумкин. *Ички идоравий ҳамкорлик* – яъни, ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг ўзаро ҳамкорлигидир. *Ташқи ҳамкорлик* – ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бошқа субъектлари билан ҳамкорлиги. Бунга, ички ишлар органларидан ташқари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, муассаса ва ташкилотлар ҳамда аҳоли билан ҳамкорлиги тушунилади. Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг ўзаро ҳамкорлиги *биринчидан*, ушбу соҳадаги қонунчиликнинг ижросини таъминлашда, *иккинчидан* ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини янада самарали ташкил этишда, *учинчидан*, аҳолининг барча қатламларига нисбатан бирдай профилактик чора-тадбирларни қўллашда тезкорлик ва тежамкорликка эришиш учун хизмат қилади.

2024 йилнинг 28 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенатида Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлисида ИИВнинг 2023 йилда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси борасида тегишли вазирлик ва идоралар билан олиб борган ҳамкорликдаги ишлари юзасидан ахбороти эшитилган. Мазкур ахборотда ИИВ маълумотига кўра, 2023 йилда содир этилган умумий жиноятларнинг 87,7 фоизи фош этилганлиги, қидирувдаги 7 563 нафар шахс ушланганлиги, Тезкор-қидирув тадбирлари натижасида ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиб содир этилган 6 455 та жиноят аниқланганлиги, 2023 йил

якуни бўйича мамлакатимиздаги 9 442 та маҳалладан 2 972 тасида ёки 31,5 фоизида жиноят содир этилмаган. Жиноятлар кўпайган 2 298 та ёки 24,3 фоиз маҳалла “қизил” тоифага киритилганлиги, бу борада ИИБ Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги билан яқиндан ҳамкорлик натижасида ижтимоий кўмакка муҳтож

6 634 нафар хотин-қиз ишга жойлаштирилган, қарийб 11 минг нафарига тиббий, моддий ва ижтимоий ёрдамлар кўрсатилганлиги, тазйиқ ва зўравонликка учраган 40 минг нафардан ортиқ хотин-қизга ҳимоя ордери берилганлиги қайд этилиб, муҳокамалар жараёнида амалга оширилган ижобий ишлар билан бирга, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси йўналишида муайян камчиликлар, ўз ечимини кутаётган масалалар ва тўлиқ фойдаланилмаган имкониятлар ҳам мавжудлиги айтиб ўтилган. Хусусан, 2023 йилда мамлакатда 104 096 та жиноят рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 74 202 таси ёки 71,3 фоизи ҳисобот йилида содир этилганлиги, жами жиноятлар сони мамлакат бўйича ҳар 100 минг аҳолига 289 тадан тўғри келганлиги, ушбу салбий кўрсаткич Тошкент шаҳрида 735 тани, Тошкент вилоятида 415 тани, Сирдарёда 378 тани, Фарғонада 328 тани ташкил этганлиги, профилактика инспекторлари фаолиятининг сустиги оқибатида олдини олиш имкониятлари мавжуд бўлган жиноятлар ҳанузгача жами жиноятларнинг салмоқли қисмини ташкил этаётганлиги 2023 йил 12 ойида содир этилган 363 та қотилликнинг 141 таси ёки 38,8 фоизи оила-турмуш доирасидаги низолар оқибатида келиб чиққанлиги . ёшларнинг муаммоларини бартараф этишга лозим даражада эътибор қаратилмаганлиги оқибатида

2023 йилда ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида содир этилган жиноятлар

2022 йилга нисбатан 5,3 фоизга ортганлиги, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг сони айрим ҳудудларда юқориликча қолаётганлиги, бундан ташқари, 12 мингга яқин ишсизлар томонидан жиноятлар содир этилганлиги, 2023 йилда жами 16 млн дан ортиқ қоидабузарлик қайд этилганлиги оқибатда, 9 839 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, уларда 9 209 нафар фуқаро жароҳатланган ва 2 282 нафар фуқаро ҳалок бўлганлиги 2023 йилда болалар билан боғлиқ 1 794 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, уларда 1 568 нафар бола жароҳатланган ва 263 нафар бола ҳалок бўлганлиги баён этилган.⁵ Айрим давлатлар, маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти турли йўллар, усуллар билан таъминланади. Ушбу соҳада ҳар бир давлат ўзига хос илғор тажрибага эга бўлиб, уларни ўрганиш ҳамда юртимиз жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизимига татбиқ этиш бугуннинг долзарб талабларидан биридир.⁶

Д.В. Васильевнинг фикрича, жиноятчиликка қарши курашишда хориж тажрибасини ўрганиш жамиятни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари ва йўлларини белгилаб олиш, башариятнинг узоқ тарихий тараққиёти жараёнидаги янглишувлар ва хато ёндашувларга қайта йўл қўйилишининг олдини олиш имконини беради.⁷

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 май кунидаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунига кўра 10-модда. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари белгиланган. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъекти сифатида мазкур ваколатларидан бири жиноятларни фoш этишда ва терговга, судга келишдан бўйин

⁵ <https://senat.uz/oz/events/post-1844?ysclid=m5whzdyzyw318161299>

⁶ Зиёдуллаев М.З. ИИО таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш: юрид.фан. д-ри. ... дис. – Т., 2019. – 294 б. Б. 217.

⁷ Васильев В.Д. Концепции организации деятельности полиции и возможности их использования в отечественной практике: По материалам США и некоторых стран Зап. Европы: Автореф. дис. канд. юрид. наук. – М., 2005.

товлаётган шахслар ҳамда бедарак йўқолган фуқаролар қидирувида иштирок этиш бўлиб, бу турдаги ваколатни такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Дунёда жиноятчиликка қарши курашиш, содир этилган жиноят учун жиноий жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини рўёбга чиқариш борасида мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу жараённинг таркибий қисми бўлган жиноят содир этиб тергов ва суддан яширинган шахсларни қидириш халқаро миқёсда ижтимоий барқарорликни таъминлашда ҳам катта аҳамият касб этади. 2008–2018 йиллар давомида Австрия, Австралия, Буюк Британия, Германия, Миср, Исроил, Мексика, Польша, Россия, Франция, АҚШ, Канада, Жанубий Корея, Хитой, Япония ва бошқа давлатларда ҳар йили ўта оғир жиноят содир этганлиги аниқланган айбланувчиларнинг ўртача 48–50 фоизи одил судловдан яширингани сабабли уларга нисбатан халқаро қидирув эълон қилинган.⁸ Бу эса терговдан яширинган жиноятчиларни қидиришнинг жиноят-процессуал, криминалистик, тезкор-қидирув, халқаро-процессуал механизмини янада такомиллаштиришни тақозо этади.⁹

Мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноят содир этган шахсларнинг қидирувини ташкил этиш ва амалга ошириш амалиётини такомиллаштириш, шунингдек ушбу соҳани ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар олиб борилмоқда. «Қидирув фаолиятидаги жиддий камчиликлар, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қуйи тизимларидаги ҳамкорлик етарли даражада ташкил этилмагани»¹⁰ бу борада бир қатор тизимли чора-тадбирлар амалга оширишни, айниқса ички ишлар органлари қидирув фаолиятининг жиноят-процессуал тартиби, криминалистик ва тезкор-қидирув таъминоти ҳуқуқий мустақамланишини, бу борада ҳамкорликни таъминлаш, соҳага илғор иш тажрибаси ва усуллари, замонавий технологияларни жорий этиш ҳамда қидирувнинг халқаро ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Фойдаланилган интернет сайтлари рўйхати:

1. <https://ombudsman.uz/uz/docs/voyaga-yetmaganlarning-huquq-va-erkinliklarini-taminlash-samaradorligini-oshirish>
2. <https://senat.uz/oz/events/post-1844?ysclid=m5whzdyzyw318161299>
3. <https://referat.uz/drugie/tekst-lekciy/13874-13874.html>.

⁸ 1 Қаранг: Wanted persons // <https://www.interpol.int/notice/search/wanted>

⁹ Матчанов А.А. Жиноят содир этган шахслар қидирувини такомиллаштиришнинг жиноят-процессуал ва криминалистик жиҳатлари: Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси Автореферати.. – Т., 2019 й

¹⁰ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – Б.317